



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси  
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Идора ҳаёти

№ 06 (743) 31.03.2024 | ۲۰۲۴.۰۹.۱۴۴۵

## Раҳмат ёғилган кечалар

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари жамоат билан таровеҳ намози ва хатми Қуръон учун пойтахтимиздаги масжидларга ташриф буюрди. Хусусан, Муфтий ҳазратлари “Ҳазрати Имом”, “Шайх Зайниддин”, Миробод туманидаги “Оқ уй” жоме масжидларида бўлди. Таровеҳ намозларидан аввал Шайх ҳазратлари мўмин-мусулмонларга фазилатли ой ҳақида сўзлаб бериб, Рамазон рўзасини тутиш бандаларни Аллоҳнинг чексиз раҳматига сазовор этиши, рўзадор инсонлар фақат еб-ичишдан тийилиш билан чекланмай, ибодатларини, хайрли амалларини кўпайтириши лозимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Аллоҳ таолонинг раҳмат-мағфирати ёғилиб турган муборак ойда ибодату илтижоларни янада кўпайтириш, ғанимат дамларнинг қадрига етиш тўғрисида ваъз-насиҳат қилди.

Ўз мухбиримиз

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- ✓ 3 март. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Мулло Нарзи” жоме масжидининг янги биноси ишга туширилди.
- ✓ 8 март. Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги “Бектемир” жоме масжидининг янги биноси очилди.
- ✓ 8 март. Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги “Учкўприк” жоме масжидининг янги биноси очилиши маросими бўлди.
- ✓ 9 март. Тошкент шаҳар Учтепа туманида “Hi-tech” услубида қайта бунёд этилган “Ҳасанхон қори” жомесининг янги биноси очилди.
- ✓ 9 март. Тошкент шаҳри Миробод туманида янги барпо этилган “Оқ уй” жоме масжиди очилди.
- ✓ 10 март. Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Чиқирчи” жоме масжидининг янги биноси ишга тушди.
- ✓ 10 март. Юртимиздаги 1 600 дан зиёд масжидда таровеҳ намозлари ва хатми Қуръон бошланди.
- ✓ 14 март. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига қилган сафари чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар билан Рамазон фазилати ва тинчлик қадри ҳақида мулоқот қилди.

### Мусулмоннинг қўрғони

**“Аллоҳумма инний ас`алукал ʼафийата фиддунйа вал ахи-роҳ. Аллоҳумма инний ас`алукал ʼафва вал ʼафийата фий дий-ний ва дунйайа ва ахлий ва маа-лий. Аллоҳуммастур ʼавротий ва амин равъатий. Аллоҳуммаҳ-фазний мин байни йадайя ва мин холфий ва ʼан йамийний ва ʼан шималий ва мин фавқий ва аъ-зу биъазоматика ан уғтаала мин тахтий”.**

“Аллоҳим, мен Сендан дунё ва охи-ратда офият сўрайман. Эй Раббим, диним ва дунёимда, ахлимда ва мо-лимда афв ва офият сўрайман. Эй Раббим, авратимни бекит, хавфла-римни омонликка айлантир. Эй Ал-лоҳим, мени олдимдан, орқамдан, ўнг томонимдан, чап томонимдан, устимдан (келадиган офатлардан) сақлагин. Эй Раббим, Сенинг аза-матинг ила остимдан ҳалок қили-шингдан паноҳ тилайман” (Имом Абу Довуд ривояти).

### Яхшиликка чақириш

Сир эмас, кўпчилигимиз улуғ зотлар ҳузурига борганимизда ёки тақводор, солиҳ кишилар билан учрашганимизда, асосан, ўзимиз ёки фарзандларимиз ҳаққига дуо сўраймиз. Ота-онамиз ҳаққига дуо сўрашни нега-дир унутиб қўямиз. Аслида, ўзи-миз учун дуо қилганимиз ёки сўраганимизда ота-онамизни ҳам қўшиб қўйсак, мақсадга му-вофиқ бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху-дан ривоят қилинади: «Онам мушрикалигида мен уни Исломга даъват қилар эдим. Бир куни у Ра-сулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақларида мен ёқтирмайдиган гап-ларни айтди. Мен йиғлаган ҳолимда

## Ота-онамиз ҳаққига дуо қиляпмизми?

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва сал-ламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расу-луллоҳ, онамни Исломга даъват қи-лардим, у эса бош тортарди. Бугун уни даъват қилган эдим, сиз ҳақин-гизда мен ҳушламайдиган гапларни айтди. Абу Ҳурайранинг онасини ҳидоятга бошлашини сўраб Аллоҳ-га дуо қилинг”, дедим. Расулуллоҳ сол-лаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳим, Абу Ҳурайранинг онасини ҳидоят қил”,** деб дуо қилдилар.

Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг дуоларидан хурсанд

бўлиб, ташқарига чиқдим. Уйимиз олдида келсам, эшигимиз берк экан. Қадамим товушларини эшитган онам (ичкаридан туриб): “Эй Абу Ҳурайра, ўша ерда туриб тур!” деди. Мен сувнинг шилдирашини эшитдим. Онам гусл қилиб бўлгач, кийимини кийиб, рўмолини ҳам ўра-май, шошиб эшикни очди-да: “Эй Абу Ҳурайра, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Унинг бан-даси ва Расули эканига гувоҳлик бе-раман”, деди.

2-бетда



# Аллоҳга яхши қарз берадиган борми?

“Аллоҳга яхши қарз берадиган ким борки, У унга бир неча марта кўпайтириб берса. Холбуки, Аллоҳ (ризқни) тор қилур ва кенг қилур. Ва Унгагина қайтариласизлар” (Бақара сураси, 245-оят).

Ибн Аббос розияллоху анхумо: “Бу оят Абу Даҳдаҳ розияллоху анху ҳақида нозил бўлган”, деган.

Абу Даҳдаҳ розияллоху анху: “Ё Расулulloҳ, менинг иккита боғим бор, агар улардан биттасини садақа қилсам, ажри кўп бўладими? Жаннатда ҳам менга боғ бериладими?” деди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам:

“**Ҳа**”, дедилар. Умму Даҳдаҳ аёлим ҳам мен билан бирга бўладими? — деди. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Ҳа**”, дедилар. Ёш қиз ҳолатида мен билан бирга бўладими? — деди. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Ҳа**”, дедилар.

Абу Даҳдаҳ розияллоху анху энг яхши боғини Аллоҳ йўлида садақа қилди ва у “Жаннатдаги боғ соҳиби” деган ном олди.

У боғнинг дарвозаси олдида келиб хотини ва болаларига: “Боғдан чиқинглар!” деди ва бўлган воқеани айтиб берди. Умму Даҳдаҳ розияллоху анху: “Аллоҳ сотиб олган нарсангни баракали қилсин”, деди.

У кишининг кетаётганини кўриб Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Илдишлари дуру ёқутдан бўлган жаннатдаги хурмозорлар Абу Даҳдаҳники бўлди**”, дедилар.

Яна бир ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Ким жаннатдаги энг катта боғ эгасини кўрмоқчи бўлса, Абу Даҳдаҳга қарасин**”, деганлар. Аллоҳ таоло нафақат охиратда, балки шу дунёнинг ўзида ҳам чиройли қарзи, садақаси туфайли Абу Даҳдаҳга янада кўркам боғни насиб этди.

Уламолар бу оятдаги “**қарз**” калимасидан мурод мусулмон зиммасига вожиб бўлган закот, ушр, фитр садақаси каби вожиблар ва ихтиёрий равишда бериладиган эҳсон ва садақалардир, дейишган.

“...яхши қарз”.

“**Қарзи ҳасана**”, яъни бу — покиза ва ҳалол, ҳаром аралашмаган, ордидан зиён ва зарар келмайдиган, фақат Аллоҳ таолонинг розилиги кўзланадиган қарз. Яъни,

молиявий ибодатлар ва ихтиёрий садақалардир.

“**Бир неча марта кўпайтириб берса**” оятининг тафсири эса бошқа ояти каримада қуйидагича баён этилган:

«**Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар** (савобининг) **мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга** (савобини) **янада кўпайтириб беради**» (Бақара сураси, 261-оят).

“**Ва Аллоҳ тор қилур ва кенг қилур**”, яъни Аллоҳ таоло банданинг мулкани тор (кам) қилувчи ва кенг (кўп) қилувчи Зотдир.

Тафсир китоблари асосида  
Дилшоджон МАМАДАЛИЕВ  
тайёрлади.



## Улкан савоблар қозониш вақти

Ҳайит кунига ўтар кечани Куръон тиловати, зикр, тасбеҳ ва нафл намозлар ўқиб ўтказиш билан улкан савобларга эришилади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Ким икки ҳайит кечаларини Аллоҳдан савоб умидида қоим қилса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмас**”, деганлар (Имом Ибн Можа, Имом Табароний ривояти).

Ғусл қилиш. “**Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам фитр, азҳо ва арафа кунлари ғусл қилар эдилар**” (Имом Ибн Можа ривояти).

Энг яхши, янги ёки тоза кийимларни кийиб, хушбўйлашниш. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳайит намозига чиройли тўнларини кийиб чиқардилар.

Ҳайит намозига чиқишдан олдин бирор нарса тановул қилиш. “**Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам фитр кунини бир нечта хурмо тановул қилиб** (кейин масжидга) **чиқардилар. Тоқ ер эдилар**” (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти).

Масжидга имкон қадар пиёда ва эртароқ бориш. “**Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам икки ҳайит намозига пиёда юриб чиқардилар**” (Имом Ибн Можа ривояти).

Масжидга етиб боргунча “**Лаа илаҳа иллаллоху валлоху акбар**” каби зикрларни айтиб бориш.

Ҳайит намозидан олдин, қуёш чиққанидан сўнг бошқа бирор нафл намоз ўқимаслик. Бу вақтда таҳийятул масжид

## Рамазон ҳайити муборак

ёки бошқа бирор нафл намоз ўқилмайди, балки зикр қилиб ўтирилади.

Намозга бир кўчадан бориб, уйига бошқа кўчадан қайтиш. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар.

Ҳайит билан муборакбод этиш. Саҳобалар: “**Тақоббалаллоҳ минна ва минкум** (Аллоҳ биздан ҳам, сиздан ҳам қабул этсин)”, деб бир-бирларини байрам билан табриклашарди.

Ота-она аҳли аёл ва ёш болаларни хурсанд қилиш. Оилада байрам кайфиятини пайдо қилиш, совға-ҳадялар улашиш керак.

Қавм-қариндош, ёши улуғларни зиёрат қилиш.

Қўни-қўшни, ёру дўст, таниш-билишларни байрам билан табриклаш.

Даврон НУРМУҲАММАД  
тайёрлади.

## Хуш кўришайлик

Ўттиз кунлик рўза — Ҳақ ҳукми асли, Ихлос-ла тутмоққа чин киришайлик. Дуодан дур олар одамзод насли, Ҳайит намозидида хуш кўришайлик.

Сабр саодатин эгаси бўлиб, Қўнгли синиқларнинг чегаси бўлиб, Хайру саховатдан дарёдек тўлиб, Ҳайит намозидида хуш кўришайлик.

Нафсига қул бўлган бандадан йироқ, Мўминни билмаган жандадан йироқ, Иймон тутиб турсин оламга чироқ, Ҳайит намозидида хуш кўришайлик.

Миллатимиз қадрин қалқони бўлиб, Ўзбекнинг ўлмаган виждони бўлиб, Меҳру оқибатнинг посбони бўлиб, Ҳайит намозидида хуш кўришайлик.

Агарда биз бўлсак фидойи Худо, Ҳар дийдор аслида атоийи Худо, Маҳмуд дер: Қўл очинг — дуойи Худо, Ҳайит намозидида хуш кўришайлик.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

## Яхшиликка чақириш

1-бетда

Мен қувонганимдан йиғлаганча Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига қайтиб бордим ва: “Ё Расулulloҳ, суюнчи беринг, Аллоҳ дуоингизни қабул қилиб, Абу Хурайрининг онасини ҳидоятга бошлади!” дедим. У зот Аллоҳга ҳамду санолар айтгач, “**Яхши**”, деб қўйдилар. “Ё Расулulloҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ва онамни Ўзининг мўмин бандаларига, уларни эса бизга суюкли қилиб қўйсин”, дедим. Шунда у зот мени назарда тутиб: “**Аллоҳим, бу бандангни ва унинг**

**онасини мўмин бандаларингга, мўминларни эса, буларга суюкли қил**”, дедилар. Шундан сўнг, мўмин киши борки, мен ҳақимда эшитса ё кўрса, яхши кўриб қолаверди» (Имом Муслим ривояти).

Ўзимизга савол берайлик: Қачон биз ота-онамиз учун масжидга бориб (жамоатдан) ёки табаррук зотлардан ёки бир муҳтожнинг

ҳожатини чиқариб, ундан дуо сўраганмиз?

Одатда ота-онамиз бемор бўлиб ётиб қолса, ё шифохонага тушиб қолганида уларнинг ҳаққига дуо қилиш ёдимизга тушади. Унга ҳақ худди улар дуодан беҳожатдек юрамиз. Аслида бизнинг дуомизга энг ҳақли зотлар ота-оналаримиз эмасми?!

Ота-онамиз ҳаёт бўладими, вафот этган бўладими, уларнинг ҳаққарига дуо қилиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ё Раббим, ота-оналаримиз бизни гўдаклик чоғимизда тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қил, уларга Ўзинг рози бўладиган ҳаётни бер! Вафот этганларини раҳматингга ол, охиратдаги мартабаларини улуғ қил, Ўзинг улардан рози бўл!

Қудратуллоҳ СИДИҚМЕТОВ,  
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институтини катта ўқитувчиси



# Хайру саховат, меҳр-оқибат ойи

Рамазон ойи шукуҳи қалбларга ўзгача сурур ва ҳаловат бағишлайди. Ушбу муборак ойда мўмин-мусулмонлар ҳар қачонгидан ҳам мурувватли, саховатли бўладилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳудудий вакилликлари жойларда нуронийлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд оилалар, меҳрга муҳтож болажонлар, ногиронлар ҳолидан хабар олишиб, уларга Рамазон ҳадяларини улашишди. Жумладан, Бухоро вилояти вакиллиги ва “Вақф” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ташаббуси билан қатор туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар учун ифторлик дастурхони ёзилди.

Самарқанд вилояти бош имом-хатиби Зайниддин Эшонкулов бошчилигида Самарқанд шаҳридаги “Келажак ворислари” оилавий болалар мурувват уйида ҳамда “Имом



Восе” ва “Зоминий” маҳаллаларида муҳтожлар, кўнгли ўксик болажонлар учун ифторлик зиёфати уюштирилди.

Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасур Раупов ва Бекобод, Оҳангарон, Нурафшон шаҳарлари ҳамда Зангиота, Бўстонлиқ туманлари бош имом-хатиблари, масжидлар имом-хатиблари ўнлаб

маҳаллаларда бўлишиб, юздан зиёд эҳтиёжманд оилаларга Рамазон ҳадяларини улашиб, ифторлик зиёфатлари уюштиришди.

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор Юнусов ҳамда туманлар имом-хатиблари маҳаллалардаги юзлаб муҳтож оилаларга ташриф буюриб, ифторликка ноз-неъматлар, ҳадялар улашишди. Ногиронлиги бор шахсларга зарур анжомлар берилди.

Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби Алиакбар Сайфидинов ва ҳудудлардаги имом-хатиблар ногиронлиги бор 53 хонадон, 142 кам таъминланган оила ва мурувват уйларида бўлишиб, ифторликлар ташкил этишди, совғалар улашишди.

## Бугуннинг гапи

Ибн Умар розияллоху анхумо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Уни — яъни Қадр кечасини — охириги ўн кунликдан изланглар. Бирингизга кучсизлик (ёки ожизлик) етиб қолса ҳам, қолган етти кунни бой бериб қўямасин”,** дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларида Қадр кечаси ҳақида эслашиб ўтирган эдик, у зот: **“Қайси бирингиз эслайсиз, ўшанда ой яримта лагандек бўлиб чиққан эди?”** дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Зирр ибн Хубайш айтади: «Убай ибн Каъб розияллоху анхундан: “Биродарингиз ибн Масъуд: “Ким йил бўйи қоим бўлса, Қадр кечасини, албатта, топади”, деяпти”, деб сўрадим. У: “Аллоҳ унга раҳм қилсин. У одамлар суяниб қолмасин деб шундай қилган. Унинг Рамазонда, охириги ўн кунликда, йигирма еттинчи кечада эканини биларди”, деди. Кейин истисно қилмай, унинг йигирма еттинчи кечада эканига оинт ичди. “Бунини нимага асосланиб айтаясан, эй Абул Мунзир?” дедим. У: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизга айтган аломат (ёки белги) асосида. Ўша кунни у (қуёш) ёдусиз чиқади”, деди» (Имом Муслим ривояти).

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг

саҳобаларидан баъзи кишилар тушиларида Қадр кечасининг охириги етти кечада эканини кўришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Сизларнинг тушингиз охириги етти кечадан мувофиқ келганини кўрмоқдаман. Ким уни (Қадр кечасини) изласа, охириги етти кечадан изласин”,** дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким иймон билан, савоб умидида Рамазон рўзасини тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади. Ким Қадр кечасида иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”,** дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ойша розияллоху анҳо бундай хабар қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир кеча тун ярмида чиқиб, масжидда намоз ўқидилар. Бир неча киши у зотнинг намозларига эргашиб намоз ўқиди. Тонг отгач, одамлар (бу ҳақда) гапиришди. Натижада бундан ҳам кўпчилик тўпланди ва у зот билан бирга намоз ўқиди. Тонг отгач, одамлар (бу ҳақда) яна гапиришди. Учинчи кеча масжид аҳли кўпайиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам чиқиб, намоз ўқидилар. Улар у зотнинг намозларига эргашиб намоз ўқиди. Тўртинчи кечада масжид одамларни сиздира олмай қолди (бирок у зот чиқмадилар). Ниҳоят, у зот бомдод

намозига чиқдилар. Бомдодни ўқиб бўлгач, одамларга юздандилар ва шаҳодат келтирдилар. Сўнгга: **“Аммо баъд. Сизнинг бу ердалигингиз менга махфий эмас эди. Лекин мен сизга (бу намоз) фарз бўлиб қолиб, сўнг ундан ожиз қолишингиздан кўрқдим”,** дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам вафот этганларида иш шу ҳолда эди» (Имом Бухорий ривояти).

Абдурраҳмон ибн Абд Қорийдан ривоят қилинади: «Бир кеча Рамазонда Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан бирга масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар тарқоқ, гуруҳ-гуруҳ. Кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқияпти, кимдир намоз ўқимоқда-ю, бир гуруҳ одам унинг намозига эргашиб намоз ўқияпти. Шунда Умар: “Менимча, агар буларни битта қорининг ортидан жамласам, ниҳоятда гўзал бўлар эди”, деди. Сўнгга азм қилиб, уларни Убай ибн Каъб розияллоху анхунинг ортига жамлади. Кейин бошқа бир кечада яна у билан чиқдим.

Одамлар ўз қориларининг намозига эргашиб намоз ўқийар эди. Умар: “Бу қандай яхши бидъат! Улар ухлайдиган пайт қоим бўладиган пайтларидан афзалдир”, деди.

У кечанинг охириги назарда тутаятган эди. Одамлар эса, унинг аввалида қоим бўлишар (кечанинг охирида ухлайар) эди» (Имом Бухорий ривояти).

“Олтин силсила” тўпламидан олинди.

## Масала

### Динда саволим бор...

**САВОЛ:** Киши закотга қодир бўлганини қандай аниқлайди?

**ЖАВОБ:** Закот бериш фарз бўлиши учун, биринчидан, кишининг бойлиги (пули, тижорат моллари) нисобга етган бўлиши керак. Нисоб кумуш ҳисобида 200 дирҳам (560 гр.), тилла ҳисобида 20 мисқол (85 гр.) ёки уларнинг қийматидаги пул ё тижорат молларидир. Уй-жойи, уй анжомлари, кийим-кечаклари, иш қуроллари ва улов (машинаси)дан закот берилмайди. Нисоб миқдорида пули бор киши бой саналади ва у закот ололмайди. Иккинчидан, нисобга етган пул қамарий тақвим бўйича роп-роса бир йил ўтгач, қайтамадан бўлса, ундан закот бериш, яъни қирқдан бири (2,5 фоиз)ни ҳақдорларга бериши фарз бўлади.

**САВОЛ:** Чорва молларидан қандай закот берилади?

**ЖАВОБ:** Чорва молларидан йилнинг кўп қисмида (6 ойдан кўпроқ) даладан ўтлаб юрган бўлса ва нисобга етганига бир қамарий йил тўлса закот берилади. Қўлда боқиладиган ҳайвонлардан закот берилмайди. Тижорат мақсадида олиб боқилаётган ҳар қандай ҳайвонларнинг қиймати тилла-кумуш, қоғоз пул ва тижорат моллари қийматига қўшиб ҳисобланади.

Қўй қирқтага етса, битта қўй; сизир ўттизтага етса, битта бир ёшни тўлдирган бузоқ; туя бештага етса, битта қўй; урғочи ёки эркак-урғочи отлар аралаш бўлганда, отнинг ҳар биттасидан қийматининг қирқдан бири закот қилиб берилади. Бу ҳайвонларнинг сони ортиб борган сари закотга бериладиган сони ўзгариб боради. Уларни батафсил билиб олиш учун фикҳ китобларига мурожаат қилиш керак. Закот учун ҳайвоннинг ўзини ё қийматини бериш мумкин. Қайси ҳайвон бўлса ҳам, фақат болаларининг ўзи бўлса, ундан закот берилмайди, лекин катталари билан аралаш бўлса, кичиклари ҳам ҳисобга қўшилади.

5-бетда



# Азонга қандай жавоб қайтарилади?

Абу Саид Худрий розияллоху анху ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Агар азонни эшитсангиз, сиз ҳам муаззиннинг айтаётганларини айтинг”**, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анху ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Агар муаззин(нинг овози)ни эшитсангиз, сиз ҳам унинг айтаётганларини айтинг, сўнг менга салавот йўлланг. Ким менга битта салавот йўлласа, Аллоҳ таоло унга ўн та салавот йўллайди. Кейин Аллоҳ таолодан мен учун василани сўранг. У (васила) жаннатдаги бир мақом-мартаба бўлиб, Аллоҳнинг**

**бандаларидан фақат биттасига насиб қилади. Ўша (банда) мен бўлсам керак деб умид қиламан. Ким менга василани сўраса, унга шафоат ҳалол бўлади”**, дедилар.

Азонни эшитганда, азон калималарини такрорлаш мустаҳабдир. “Ҳайя ғалас солаҳ”, “Ҳайя ғалал фа-лаҳ” калималарининг ўрнига “Лаа ҳавла валаа қуввата илла биллаҳ” деб жавоб қайтарилади. Азон бандаларни ибодатга чорлашдир. Азон калималарини айтиш Аллоҳни тил билан, намоз ўқиш эса, бутун вужуд билан Аллоҳни улуғлаш ҳисобланади. Азонни эшитиб, намозга шошмаган кишилар ҳақида ҳадисларда қаттиқ гаплар айтилган.

Азонга ҳожатхона, ҳаммом каби Аллоҳнинг зикрини қилиб

бўлмайдиган жойларда жавоб қайтарилмайди.

Қуръони карим тиловат қилаётган, таълим бериб-таълим олаётганларнинг ҳам азонга жавоб қайтаришлари афзал. Муаллим ва талабалар бошлаган жумлаларини тугатиб, кейин азонга жавоб қилишлари керак.

Бир неча азон овозлари эшитилган пайтда, биринчисига жавоб қилиш кифоя. Азон тугаганидан кейин Имом Бухорий ривоят қилган бу дуони айтиш керак: **“Аллоҳумма Робба ҳазихид даъватит тааммати вассолатил қомати аати Муҳаммаданил васийлата вал фазийлата, вабъасху мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаҳ. Варзуқнаа шафаъатаху**

**явмал қиямати. Иннака лаа тухлифул мийъаад”** (Ё Аллоҳ! Эй ушбу тугал даъват ва қоим намознинг Раб-би! Муҳаммадга васила ва фазилатни бер. Уни ўзинг ваъда қилган мақоми Маҳмудда тирилтир. Бизга Қиёмат куни у зотнинг шафоатларини насиб эт. Албатта, Сен ваъданга ҳилоф қилмайсан).

Ҳар азондан кейин мазкур калималар билан Сарвари оламга васила мақомини сўрашга одатланган киши у зотнинг шафоатларига ҳақли бўлади.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси **Фахриддин МУҲАММАД НОСИР** тайёрлади.

## Юртимизда

# Ҳар нафасга шукр вожибдир

Мўмин бандалар ҳар ҳолларига шукр қилиб, ўзгаларни ҳам шунга ўргатиб яшашлари фази-латдир.

Саъдий Шерозий ижодида: “Бир равон олинган нафасга ҳам шукр айтиш вожибдир”, дейилган. Демак, киши аввало соғ, тинч яшаётгани, тоза ҳаводан тўйиб нафас олаётганига ҳам шукроналар айтмоғи лозим. Ахир босган қадамлар хатарга элтаётган, туну кун ўқ овозлари тинмаётган, куйик-аланга

иси димоғларни ачитаётган юртлар бор...

Алҳамдулиллаҳ, тинчлик-омонликда, суви тотли, тупроғи унумли юртда яшаямиз. Кўплаб неъматлар ичидамыз. Бироқ аксариятимиз неъматларнинг қадрига етмай-миз. Тилимиздан ношукрлик сўзлари учади гоҳида. Шундай дамларда Аллоҳ таолонинг қуйидаги амрини ёдга олиш лозим: **«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр**

**қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир”**» (Иброҳим сураси, 70-оят).

Ана шу илоҳий амрни ёдда тутган ҳолда ҳар бир неъматнинг шукрини қилиб яшашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Иброҳим Адҳам раҳматуллоҳи алайҳ ҳузурига бир йигит фақирлигидан шикоят қилиб келади. Шунда у зот йигитга жуда чиройли дарс беради: бирма-бир ҳар

бир аъзосидан айрилиши учун бойлик таклиф қилади. Бироқ ҳар бир нархдан даҳшатга тушган йигит охир-оқибат соғ-саломатлиги нақадар улкан неъмат, бойлик эканини тушуниб етади.

Биз ҳам бугун ана шу ҳақиқатни англаб, бу неъматлар омонат эканлигини тушуниб, уларнинг ҳақини адо этиб яшашимиз лозим.

**Юлдузхон АБДУРАҲМОНОВА,**  
Қўқон шаҳридаги Ашурали Зоҳирий  
45-маҳалласи отинойиси

## Фиқҳ

# Фитр садақаси

Фитр садақаси фақирларга ғамхўрлик, уларга ҳайит кунини хурсандчилик билан ўтказишлари учун кўмак бўлиб, уни берганлар учун эса, Рамазонда йўл қўйилган баъзи камчиликларга каффоратдир. Ибн Аббос розияллоху анхумо айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам фитр садақасини рўзадорга беҳуда ишлар ва ёмон сўзлардан покланиш ҳамда мискинлар учун егулик бўлиши учун буюрдилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Фитр садақасини нисоб миқдоридagi мол-мулкка эга ҳур ва мусулмон бўлган кишилар ҳайит тонгида адо этишлари вожиб. Уни ўзи ва ёш болалари номидан беради. Балоғатга етган фарзандлари ва хотини номидан фитр садақасини бериши вожиб эмас. Аммо уларнинг номидан берса ҳам жоиз.

Фитр садақасининг вожиб бўлиш вақти Ҳайит куни тонг отиш пайтидир. Шунинг учун Ҳайит кечаси туғилган чақалоқдан ҳам фитр садақа бериш вожиб бўлади. Ҳомила ва ҳайит кунидан олдин вафот этганлар учун фитр садақаси вожиб бўлмайди.

Ибн Умар розийаллоху анхумо айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам фитр садақасини одамлар намозга чиқмасдан олдин беришни буюрдилар”.

Аммо бу вақтдан олдин, масалан, Рамазон кириши билан берса ҳам бўлади. Лекин ҳайит намозига чиқишдан олдин бериш мустаҳабдир. Фитр садақаси вожиб, уни беролмай қолган киши зиммасидан соқит бўлмайди.

Фитр садақаси буғдой, арпа, майиз ёки хурмодан берилади. Буғдой ё унинг уни ёки ёрмасидан ва майиздан ярим соъ (тахминан 2 кг.), арпа ва хурмодан бир соъдир. Мазкур нарсаларнинг қийматини ҳам берса бўлади. Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса кифоя.

Фитр садақаси закот олишга ҳақдор кишиларга берилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази

## РАМАЗОН 2024

### ЗАКОТ НИСОБИ:

## 40.000.000 сўм

ва ундан ортиқ маблағга эга киши, жами маблағининг қирқдан бири (2,5%)ни ажратиб, уни закот ниятида камбағал ва фақирларга беради.

### ФИТР САДАҚАСИ ВА ФИДЯ МИҚДОРИ:

|        |        |             |  |
|--------|--------|-------------|--|
| БУҒДОЙ | ≈ 2 кг | 14.000 сўм  |  |
| АРПА   | ≈ 4 кг | 20.000 сўм  |  |
| МАЙИЗ  | ≈ 2 кг | 110.000 сўм |  |
| ХУРМО  | ≈ 4 кг | 180.000 сўм |  |

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақаси ёки фидя миқдорини берса кифоя қилади.

Эслатма: Ушбу қийматлар Тошкент шаҳар бозорларидаги нархга асосан белгиланди. Ҳар бир вилоят ўз бозорларидаги нархга қараб фитр садақасини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАТВО МАРКАЗИ

[@diniysavollar](https://t.me/diniysavollar) [@diniysavollar](https://fb.me/diniysavollar) [@fatvouz](https://www.instagram.com/fatvouz) [@fatvouzb](https://www.youtube.com/channel/UCatfatvouz)





# Эркак киши кексайганида “етим” бўлмасин...

Қўшни туманга йўлим тушганида, қадрдонлар билан учрашиб, масжидда бирга намоз ўқидик, сўнг суҳбатлашиб ўтирдик. Гап орасида таниш ҳожи бобо: “Домла, ўлсам, жанозамни сиз ўқийсиз”, деб қолди. “Ҳожи бобо, унақа деманг, ким олдин, ким кейин кетишини ёлғиз Аллоҳ билади, шундай экан, бу вазифани менинг зиммамга юкламанг”, дедим. У: “Шундай бўлса ҳам, сизга ишонаман, васиятим бор”, деди. “Қандай васият?” десам, у киши: «Жанозамни ўқиб бўлгач, халойиққа юзланиб: “Ҳой одамлар, марҳум фарзандларидан норози бўлиб кетяпти!” дейсиз», деди. Мен: «Астафиллох, нималар деяпсиз, ҳожи бобо? Ахир бу мусулмончиликка тўғри келмайди, болаларингизни дўзахий қилиб кетасиз-ку? Ундан кўра, “Фарзандларим билан хафалашиб қолдим, орамизни ислоҳ қилиб беринг”, денг. Биз ўртага тушайлик...

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам даврларида Алқама розияллоху анху ўлим тўшагида ётиб қолади. Саҳобанинг намоз, рўза, садақалари кўп бўлишига қарамай, шаҳодат калимасини айтолмай қийналади. Набий алайҳиссалом бунинг сабабини суриштириб кўрсалар, онаси Алқамадан норозилиги маълум бўлади. Шунда у зот саҳобаларига ўтин тўплаб олов ёқишни ва ўша оловда Алқамани куйдиришни буюрадилар. Алқаманинг онаси бунга эътироз билдиради. Набий алайҳиссалом: “Эй Алқаманинг онаси, Аллоҳнинг оташи кучлироқ ва боқийроқ. Агар уни Аллоҳ кечириб юбориши сизни хушнуд этса, у ҳолда ундан рози бўлинг. Жоним измида бўлган Зотга қасам, токи сиз ғазабнок экансиз, унга ўқиган намозлари, тутган рўзалари ва садақалари фойда бермайди”, деганларидан сўнг онаси ўғлидан рози бўлади.

Шунда Алқама розияллоху анху шаҳодат калимасини айтиб омонатини топширади».

Шундан сўнг отахон масалага ойдинлик киритди: «Эркак киши ота-онаси вафот этса, етим бўлмайди. Аёли ўлса, етим бўлади», деган гап бор. Кампирим ўлганига уч йил бўлди. Ўзимни ҳақиқий етимдек ҳис қиляпман. Болаларимнинг муомаласи ўзгарди, келинларнинг олдида ҳам ҳурматим қолмади. Невараларимга одоб бермоқчи бўлсам, келинлар менга аччиқ қилиб болаларини уйга олиб кириб кетишяпти. Эрталаб тураман, чироқ ёниқми-ўчиқми, деб ҳаммом деразасига қарайман. Ёниқ бўлса, келинлар бормикин деб, таҳоратга чиқолмай ўтираман. Чунки келинларим: “Қайнонам ўлиб, қайнотам мени пойлайдиган бўлиб қолди”, деб гап чиқарса, шарманда бўлмай, дейман. Баъзида кутавериб, бомдодларим ҳам қазо бўлиб кетади. Ички кийимларимни ўзим юволмайман, келинларга беришга ҳаё қиламан.

Охири чидаёлмадим. Болаларимни тўплаб: “Мени уйлаб қўймасанглар бўлмайди, ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Ёлғизлик Аллоҳга хос экан”, дедим. Тўғрида, кечаси қон босимим ошиб кетади. Болаларни “кел, ўлчаб қўй”, деб уйғотолмайман. Кундузлари келинлар билан ҳовлида ёлғиз қолиб кетаман...

Маслаҳат солганимдан кейин фарзандларимнинг асл башараси фош бўлди. Қизларим: “Уйлсангиз, уйингизга қайтиб қадам босмаймиз”, дейишди. Ўғиллар эса: «Дада, опаларимиз норози бўлишяпти, келинларингиз ҳам: “Бегона хотин келса, унинг хизматини қилмаймиз. Бир коса овқат беролмай қолдикми”, дейишяпти. Қўйинг, уйланиб нима қиласиз», дейишди.

Бошимдан совуқ сув қуйилгандек бўлди. Жуда ҳўрлигим келди. Ўзим қурган уйга ўзим сиғмай қолдим...

Барибир яқинда ўламан. Сиздан илтимосим, жанозамни ўқиб бўлгач, ўша гапни эълон қилинг. Нима бўлса-бўлар. Менинг-ку бўларим бўлди, лекин зора бошқа фарзандлар мен каби ёлғиз қолган оталарининг аҳволини англаб етишса.

Бу суҳбатдан кейин анча вақт ўйланиб юрдим. Бу мавзуда жамоат олдида ҳеч гапирмаган эканман. Сўнг масжидда ҳам, бирор жойга йиғинга чақиришса ҳам, гап орасида ушбу воқеани мисол қилиб, одамларни ота-онага ғамхўр бўлишга ундадим. Кўпчиликка яхши таъсир қилди.

Ҳа, “Танаси бошқа – дард билмас”, деб бежиз айтишмайди. Ёлғиз қолган кексаларимиз ҳолини, уларни қийнаётган муаммоларни кўпинча тушунмаймиз ёки тушунмасликка оламиз. Ота-онамни яхши кўраман, деб даъво қиламиз-у, лекин уларнинг дардларига, ташвишларига қулоқ тутгимиз келмайди. Худбинлигимиз бунга йўл қўймайди. Бечоралар эса, дардини ҳеч кимга айтолмай, аста-секин чўкиб бораверишади. Айтганлари ҳам кўп ҳолларда таъна-дашномга қолишади. Нақадар аянчли ҳолат бу!

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қайси бир мусулмоннинг ота-онаси бўлса, уларга яхшилик қилиб, унинг савобини кутган ҳолда тонг оттирган бўлса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

✍ Асрорхон ҲАМИДОВ,

Учкўприк тумани

“Ёдгорлик” масжиди имом-хатиби

## Масала

3-бетда

**САВОЛ:** Закотни кечиктириши мумкинми?

**ЖАВОБ:** Закот вожиб бўлган кишилар моли нисобга етиб, бир йил тўлган бўлса, Рамазон бўладими ё бошқа ойми, уни кечиктирмай адо қилишлари лозим. Моли нисобга етганидан кейин бир йил ўтса ҳам закот бермаса, гуноҳкор бўлади ва Аллоҳ таолога истиффор айтиб, икки йиллик закотни адо қилади. Олдинги йилдаги закотни зиммасида қолдирмайди.

**САВОЛ:** Закот кимларга берилади ва кимларга берилмайди?

**ЖАВОБ:** Закот қуйидаги инсонларга берилади:

– фақир – моли нисобга етмаган шахс;

– мискин – ҳеч нарсаси йўқ киши;

– закот йиғиш ишида банд бўлганлар;

– агар зиммасидаги қарзини берса, пули нисобдан камайиб қоладиган қарздор киши;

– Аллоҳ йўлида юрган (асосан муҳтож бўлиб қолган ҳожи)лар;

– йўлда қолиб кетган (ёрдамга муҳтож мусофир)лар (гарчи уйда нисобга етган моли бўлса ҳам).

Закотни, агар ҳақли бўлишса, ака-ука, опа-сингил ва уларнинг фарзандларига, амаки-амма ва уларнинг фарзандларига, тоға-хола ва уларнинг фарзандларига бериш афзалдир.

Қуйидаги инсонларга закот берилмайди:

– бой кишиларга;

– бошқа дин вакилларига;

– бой кишининг балоғатга етмаган фарзандига;

– ота-она ва ўғил-қизларга;

– эр ёки хотинга;

– хошимийлар, яъни Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қариндошларига.

**САВОЛ:** Закотнинг ҳам қазоси бўладими? Бўлса қанча миқдорда берилади?

**ЖАВОБ:** Моли нисобга етган киши бир неча йил закот бермаган бўлса, катта гуноҳ қилган бўлади. У тезда ўтган ўша йилларда вожиб бўлган закотини ҳисоблаб, ҳақдорларга бериши лозим.

**САВОЛ:** Закотни маҳалламиздаги йўлни таъмирлаш учун сарфласак бўладими?

**ЖАВОБ:** Йўқ. Закот камбағал ва мискинларга мулк қилиб берилиши шарт. У кўпчилик фойдаланадиган йўл ёки кўприкларга сарфласа, мазкур шарт топилмайди, натижада закот адо бўлмайди.

7-бетда

## Улуғлар ўғити

Насриддинхўжадан сўрадилар:

– Кимсан?

– Ҳеч ким! – деб жавоб берди у.

Уларнинг лабларини буриб, ўзини менсимаганларини кўрган Насриддинхўжа савол берди:

– Сен-чи, сен кимсан?

– Мутасарриф (технолог)ман, – дебди одам керилганича.

– Кейин ким бўласан, – сўрашда давом этибди Насриддинхўжа.

## Ҳеч кимлик мақоми

– Ҳоким бўларман! – жавоб берибди одам.

– Кейин-чи?! – деб сўраган Насриддинхўжа, вазир, деган жавобни олибди.

– Ундан кейин-чи?

– Эҳтимол, садриаъзам бўларман...

– Яхши, ундан кейин ким бўласан?

Бошқа эгалланадиган амал

қолмагани. Сўнгги мартабани айтиб бўлган одам ўйлана-ўйлана дебди:

– Ҳеч ким?

– Унда нега гердайдисан?! Мен ҳозир сен анча йиллардан кейин эгаллайдиган мақомдаман: “Ҳеч кимлик мақомида!”

✍ Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.



Абон ибн Абу Айёш розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Анас розияллоху анху қуйидагиларни айтган: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламга: “Эй Аллоҳнинг Расули, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг”, дедим. У зот: “**Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки бир одам бир луқма ҳаромни оғзига солса, қирқ кунгача дуоси ижобат бўлмайди**”, дедилар» (Имом Дайлабий ривояти). Биз-чи? Касбимизни пок қиляпмизми? Афсуски, қандай қилиб бўлсаям тўрт-беш сўм топиш илинжида бўламиз. Унинг иймонимизга, саломатлигимизга зарари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шунинг учун ишларимиз юришмайди, топган-тутганимизда барака йўқ.

Бундан беш-олти йил олдин бир одам масжидга келиб: “Домла, негадир ишларим ҳеч юришмайди, ҳаловатим йўқ, бир дуо қилинг”, деди. Жамоат билан дуо қилдик. Сўнг зикр, истиффор айтиб юришни маслаҳат бердик.

Кўп ўтмай ҳалиги киши яна келди. “Шерикларимнинг-ку, омади чопиб кетди, меники эса ўша-ўша: қора қозон аранг қайнапти”, деб нолиди. “Ўзи нима иш қиласиз”, деб сўрадик. “Бозорда даллолчилик қиламан”, деди. Гап орасида тирикчилик важдан ёлғон ишлатишини, бу эса касбининг талаби

## Бахт-саодат калити

эканини тушунтирди. Ҳаммаси ойдинлашди. “Қўйинг, бундай қилманг, ака, ҳалол иш билан шуғулланинг”, деб маслаҳат бердик.

Энди билдингизми, нима учун бу одамнинг иши юришмаган, омади чопмаган? Боиси луқмани ҳаром йўл билан топган. Уни бола-чақасига едирган. Зеро, ҳаром нарсга оиладан ҳам баракани кетказди, дуоларнинг қабул бўлишига тўсқинлик қилади. Баъзан бундай кимсаларнинг иши юришиб тургани билан гуноҳи, зиён-захмати бир кун келиб юзага чиқади.

Аллоҳ таоло Бақара сураси, 172-оятда бундай марҳамат қилади: **«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз!»** Мўмин киши ҳамиша ҳалол меҳнат билан ризқ топиши, уни тановул қилганида Аллоҳга шукр қилиши лозим. Бундай инсон бу дунёда ҳам, охиратда бахт-саодат топади.

Дарвоқе, бир одамни биламан. Масжидимизга келиб, бир чеккада хокисоргина ўтиради ва намоздан сўнг узоқ дуо қилади. Бир куни шу одам: “Бугун ўғлимнинг имтиҳони бор, бир дуо қилинг”, деди ийманибгина. Маҳалланинг оқсоқоллари билан биргалашиб

дуо қилдик. Ҳалиги киши хурсанд бўлиб кетди. Бироз вақт ўтиб яна шу киши: “Сизларга минг раҳмат, домла, дуоларингиз ижобат бўлиб ўғлим ўқишга кирди”, деб қувонди. “Машааллоҳ, ажойиб бўпти, илми янаям зиёда бўлсин, бирор касбнинг бошини тутиб, юртимизга хизмат қилсин”, дедик. Сўнг бироз гурунглашиб қолдик...

У олис қишлоқдан келиб, мардикорлик қиларкан. Эрталабдан кечгача ҳалол меҳнат қилиб, оиласини моддий жиҳатдан таъминлар, ўсиб-улғайиб келаётган болаларини қўшимча фанларга ўқитаркан. Ўзганинг ҳақиға ҳеч хиёнат қилмабди. Ҳар замон оиласи даврасида фарзандларига ҳалол меҳнатнинг нони ширинлиги, бировнинг молиға кўз олайтириш яхши эмаслиги, ҳар доим қаерда бўлсангиз ҳам Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб иш тутиш кераклиги хусусида насиҳатлар беради.

Яқинда тўнғич ўғли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетиға бюджет асосида ўқишга кирди. Худо хоҳласа, қолган учовиниям ўқи-таман, дейди. Хуллас, маза қилиб гурунглашдик.

Биласизми, шу одам фарзандларининг кетма-кет ўқишга

кирганини, катталари эса, таълимнинг кейинги босқичига ўтганини айтиб, болаларча қувониб келади. Биз эса, у кишининг эзгуликка лиммо-лим суҳбатларидан тўймаймиз, қўшилиб хурсанд бўламиз ва дуолар қиламиз. Хуллас, биз унинг гурунгини маза қилиб эшитишга одатландик. Нега? Ҳалоллик, поклик кишининг бахтиға сабаб бўлишини шу киши мисолида кўрдик. Бундай одамлар орамизда кўп.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадисларининг яна бирида: **“Ҳеч ким қўл меҳнати билан топган таомидан кўра яхшироқ нарсга еган эмас. Албатта, Аллоҳнинг пайғамбари Довуд (алайҳиссалом) ҳам қўл меҳнати орқали кун кўрганлар”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳа, ҳалол меҳнат кишини улуғлайди. Нонини ширин, баракали қилади. Пайғамбарлар зарур касб-кор билан шуғулланиб, бизга ибрат бўлганлар. Шунинг учун фарзандларимизга ҳалол касб-хунар ўргатишимиз, меҳнат — бахт калити эканлигини англатишимиз лозим. Шундагина улар тинчлик, омонлик ва фаровонликда яшайди, дунё ва охират саодатиға мушарраф бўлади.

**Абдурахмон АСҚАРОВ,**

Чилонзор туманидаги “Катта Қозиробот” жоме масжиди имом-хатиби

### Мактубларда манзаралар

## Берганимиз – ўзимизники

Аллоҳ таоло бандасига бойликни омонат қилиб беради. Унутмаслик керак, у бойликда муҳтожларнинг ҳам ҳақи бор. Шунинг учун Аллоҳ бизга закот беришни, хайр-эҳсон қилишни буюрган. Кимдир пулини ҳақдорларга сарфламай, закотини бермай йиғаверса, бу иши кўзига чиройли кўрингани билан аслида унинг зарарига ишлайди.

Бахиллик кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини узади. Зикна одам бировга сариқ чақаям бергиси келмайди. Қайси жамиятда бахиллик илдиз отса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, одамларга ёрдам кўрсатиш каби фазилатлар унутилади.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Бир кишининг олдига қариндошлари келиб, хайр-эҳсон қилишни сўрашса, у бахиллик қилиб бермаса, жаҳаннамдан катта илон чиқиб, тили билан ялаб-ялаб бўйнига ўралиб олади”** (Ибн Жарир ривояти).

Инсон умр бўйи йиққан

давлатини охиратга орқалаб кета олмайди. Аллоҳ бойлик бериб қўйибдими, уни яхши ишларга сарфласа, молнинг ҳақи берилган бўлади.

Ким бахиллик қилса, унинг зарарига бўлади. Чунки эҳсоннинг савоби охиратда захираға айланади. Хасис одам ўзининг захираси кўпайишиға зикналик қилади.

Бахил кимса бойликка қаттиқ ружу қўйгани учун камбағалдек яшайди. Чунки минг машаққат билан тўплаган бойлигидан на ўзи, на бошқалар фойдалана олади. Бир қарашда бахил киши молини сарфламай, ўзида сақлаб қолганга ўхшайди. Аммо бу билан у ўзини охират савобидан маҳрум этади. Йиққан мол-мулки эса, вафотидан кейин бошқаларга мулк бўлиб қолаверади...

Аллоҳ таоло садақаларимизга муҳтож эмас. Садақа қилсак, ўзимизга фойда: бойлигимиз янаям кўпаяди, талафотлардан сақланамиз, ҳақдорлигимиз тан олинади, тоғдек савоблар оламиз,

охиратда даражамиз юқори бўлади. Биз бераётган закот, фитр садақаси, ихтиёрий эҳсонларнинг Аллоҳга заррача фойдаси йўқ. Бунга ўзимиз муҳтожмиз. Шунинг учун садақани ихлос билан берайлик. Аммо закотларни бериб, бир ишни қойиллатиб қўйгандек ўзимизни катта олмайлик, камтар бўлайлик. Бизга бойлик ато этган Аллоҳга ҳамду санолар айтсак, шукр қилсак, у Зот яна ризқимизни кўпайтириб бериши шак-шубҳасиз.

Аллоҳ қўлимиздаги жами молу давлатни садақа қилиб юборишни буюриб, бизни азобга қўймайди. Фақат маълум қисмини закот ва садақа сифатида беришни амр қилади. Зеро, инсоннинг бойликка ўчлигини Аллоҳ билади.

Ҳаёт кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Имкон борида охиратга захира қилиб олайлик. Зеро, қўлимизда қолгани эмас, балки берганимиз бизники бўлади.

**Мардикул СИДДИҚОВ,**

Хатирчи тумани

### Газетхон илҳами

#### Салавот

Қўлимда Қуръону дилимда иймон,  
Расулulloҳ, сизга айтай салавот.  
Сизга садқа бўлсин танимда бу жон,  
Расулulloҳ, сизга айтай салавот.

Исмингиз Муҳаммад, дилу жонимиз,  
Ота-онадан ҳам меҳрибонимиз,  
Ҳақ динга бошловчи чароғбонимиз,  
Расулulloҳ, сизга айтай салавот.

Набийлар афзали, эй мукаррам зот,  
Сиз сарвари олам, фахри коинот.  
Тилимдан қўймасман, эканман ҳаёт,  
Расулulloҳ, сизга айтай салавот.

Дунёда омонат, меҳмон эрурмиз,  
Гуноҳлар ваҳмидан гирён эрурмиз.  
Умнат бўлдиқ сизга, шодмон эрурмиз,  
Расулulloҳ, сизга айтай салавот.

Қурбонали айтар, не қолур биздан,  
Ҳаммага буюрсин ўғилдан, қиздан.  
Биродарлар, бу кун ўтинай сиздан,  
Сиз ҳам Пайғамбарга айтинг салавот.

**Қурбонали МАБУРОВ,**

Жарқўргон тумани “Меҳнатобод” маҳалласи





Саҳобаларни яхши кўриш ва уларни пайғамбарлардан кейин энг афзал инсонлар, деб эътиқод қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи ҳисобланади. “Саҳоба” сўзи луғавий жиҳатдан “дўст бўлмоқ”, “бирга юрмоқ” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса иймон келтирган ҳолида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиб, мўмин ҳолида вафот этган киши “саҳоба” дейилади. Саҳобаларнинг адади ҳақида уламолар аниқ ададга иттифоқ қилишмаган. Фақат баъзи муҳаққиқ олимлар уларнинг адади юз мингдан ортиқ бўлган, деганлар. Абу Заръа Розий раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган ривоятда саҳобаларнинг адади бир юз ўн тўрт минг бўлгани айтилади.

## Мулоҳаза

# Саҳобайи киромлар

## Исломни биринчи бўлиб қабул қилган саҳобалар

Ибн Салоҳ раҳимаҳуллоҳнинг таҳқиқларига кўра, биринчи бўлиб Исломни қабул қилган саҳобалар куйидагилар:

- хур эркаклардан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху;
- балоғатга етмаган ёш болалардан Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху;
- аёллардан Хадижа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо онамиз;
- озод қилинган қуллардан Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анху;
- қуллардан Билол розияллоҳу анху.

## Саҳобаларнинг тоифалари

Ҳоким Найсобирий раҳматуллоҳи алайҳ саҳобаларни Исломни биринчи қабул қилганлари ва кўплаб улуғ ишларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларида бўлганлари эътиборидан ўн икки тоифага ажратган:

- Маккада Исломни илк қабул қилганлар;
- Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху-дан кейин Исломни қабул қилганлар;

- Ҳабашистон муҳожирлари;
- биринчи Ақаба байъатида қатнашганлар;
- иккинчи Ақаба байъатида қатнашганлар;
- Набий алайҳиссаломдан олдин Мадинага ҳижрат қилганлар;
- Бадрда қатнашганлар;
- Бадр ғазотидан кейин ҳижрат қилганлар;
- Худайбия ғазотидаги “Байъатур ризвон”да қатнашганлар;
- Худайбия сулҳидан кейин ҳижрат қилганлар;
- Макка фатҳ қилинган йили мусулмон бўлганлар;
- Фатҳ куни ва Видолашув ҳажида ёш ва гўдак ҳолида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб қолиш бахтига муяссар бўлган саҳобалар тоифаси.

## Фақиҳлиги билан машҳур бўлган саҳобалар

Бир қанча саҳобалар фикҳий масалалар билимдони сифатида машҳур бўлганлар. Шу маънода қуйидаги зотлардан кўплаб фатволар нақл қилинган:

- Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху;
- Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху;
- Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо;
- Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо;
- Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху;
- Зайд ибн Собит розияллоҳу анху;
- Ойша розияллоҳу анҳо.

## Энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар

- Абу Ҳурайра розияллоҳу анху — 5374 та;
- Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху — 2630 та;
- Анас ибн Молик розияллоҳу анху — 2286 та;
- Ойша розияллоҳу анҳо — 2210 та;
- Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху — 1660 та;
- Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анху — 1540 та.

**Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,**  
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

# Едириб-ичириш билан иш битмайди

Ишим тушиб бир идорага бордим. Тумонат одам. Мен ҳам уларнинг қаторига кўшилдим. Сафнинг ўртаридаги башанг кийинган ўттиз ёшлардаги тўрт аёл баланд овозда гаплашмоқда:

— Биласан, мактабни “йўлакда” битирганман. Менга ҳужжатларни тўлдиришда ёрдам бер.

— Мендан пул санаш, савдо-сотиқни сўра, ҳужжат-пужжатингга тушунмайман. Тушунишим ҳам шарт эмас. Бу ишларни пул билан битираман.

— Тўғри айтасан, дугонажон, бизга ўқишнинг нима кераги бор. Китоб қорин тўйдирармиди.

— Ўйлаб кўр, шаҳарма-шаҳар кезиб, мол олиб келиб сотиб, пул ишлаймиз, олий маълумотлилардан зўр яшаймиз. Ўқиш деган бош-оғриқдан нима фойдалигини ҳеч тушунмайман-да.

Улар гўё билим олмай жуда “ақлли” иш қилгандек мақтанишарди. Бехиётёр суҳбатга аралашдим:

— Қизларим, фарзандларингиз борми?

— Худога шукр, икки-учтадан боламиз бор.

— Аллоҳ таоло уларнинг бахту камолини берсин. Мен ўқитувчи бўлиб ишлаганман, сизларга саволим бор. Илм тугул дурустроқ саводингиз ҳам йўқ экан, бу аҳволда болангизни қандай тарбиялайсиз? Бу учун билим керак-ку. Ёки келажақда

набираларингиз: “Бувижон, бизга эртак, ривоят топишмоқлар айтиб беринг” дейишса, уларга нимани сўзлаб берасизлар? Савдогарлик билан боғлиқ “саргузашт”ларингизними?

Аёллар лаб бурганча тескари қараб олишди...

Динимизда фарзанд тарбиясига улуғ вазифа деб қаралади. Ота-она бу юмушга масъул ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг”** (Имом Ибн Можа ривояти) деганлар. Биз эса фақат уларни едириб-ичириш, кийдириш ҳақида бош қотирамиз. Ҳолбуки, ризқни Аллоҳ таоло беради. Мантқиқсизликни кўринг: ўз кўлимизда бўлмаган нарс ҳақида қайғурамиз, бажаришимиз керак бўлган ишни қилмаймиз.

Албатта, оила нафақасини таъминлаш зарур. Лекин бу ишни зарурат даражасида қилса кифоя. Амалда эса фарзандига қимматбаҳо кийим-кечак ва телефон олиб бериш, сара овқатларни едириш кўпчилик ота-оналарнинг мақсадига айланиб қолган. Бу эса, тинимсиз елиб-югуриш, ўзини ўтга-чўққа уриш, қандай бўлса ҳам пул топиш, ўзганинг ҳақидан кўрқмасликка сабаб бўлади. Бундай ризқда хайр бўлмайди. Фарзандларга яхшиликни сингдириш ўрнига тескари ибрат кўрсатасиз. Уларни ўзганинг ҳақидан ҳазар қилмасликка,

ўғрилиқ, муттаҳамлик, ахлоқсизликка ўргатасиз. Барчасининг тағ-замирида феълимиздаги манманлик, дабдаба ва ҳашаматга ўчлик иллати ётибди.

Ҳозирги кунда аксарият ота-оналардан тортиб ҳали ақлини таниб улгурмаган болаларгача телефоннинг қулига айланган. Оила даврасида суҳбат куриб ўтириш йўқ. Бўлса ҳам ғийбат, буюм-матоти билан мақтаниш, тайинсиз воқеаларни гаплашишдан нарига ўтилмайди. Уларга бобо ва момоларимиз давридаги дoston, эртак, ибратли ривоятларни айтиб берсангиз, ноёб мавжудотга дуч келгандек юзингизга анграйганча қараб тураверишади.

Нажот — илм ва маърифатда. Фарзанд ва набираларимизни китоб ўқишга одатлантирмас, илмга ҳаваслантирмас, одоб-ахлоқ ўргатмас эканмиз, куруқ жасадларни ўстирган бўламиз. Ташқи кўриниши ўхшаш бўлгани билан қалби, онги сизга бегона бўлади. Шундай экан, ота-оналар, бобо-бувилар, кўзимизни эртароқ очиб, болаларимизга тарбия бериш фурсатини бой бермайлик. Уларнинг хулқи ўз ҳолича ўсган дарахт шохлари каби тарвақайлаб кетгач, қайтадан чиройли шаклга сололмаймиз.

**Шоакрам ХУДОЙБОҚОВ,**  
Қўйи Чирчиқ тумани

## Масала

6-бетда

**САВОЛ:** Аёлимнинг тилла тақинчоқлари закот нисобига етган. Лекин кўлида пули йўқ. У закотни қандай беради?

**ЖАВОБ:** Мулк кимники бўлса, закот бериш ҳам унинг зиммасига вожиб бўлади. Аёл киши тақинчоқларидан закот миқдорчасини сотиб, закотини беради.

**САВОЛ:** Ҳар йил Рамазонда закот берадиган одам дўконини 2023 йил декабрь ойида сотувга қўйиб, 2024 йил март ойида сотди. Рамазонда закот бераётганда дўкон савдосидан келган пулни ҳам қўшиб закот чиқарадими ёки бу пул бир йил айлангандан кейин закот вожиб бўладими?

**ЖАВОБ:** Агар сотилган мазкур дўконнинг пулини қўшмасдан олдин ҳам маблағингиз нисобга етарли бўлса, унга дўконнинг сотувидан тушган пулни ҳам қўшиб закот берасиз. Агар маблағингиз фақатгина мазкур дўконнинг пулидан иборат бўлса, ундан бир қамарий йил ўтгандан сўнг закот вожиб бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.  
Тел. 78-150-33-44





(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

## Юсуфнинг акалари Мисрга келди

Юсуф хабар берганидек, Миср ва Шомда очарчилик юз берди. Яъқуб алайҳиссалом ва шомликлар Мисрда ер хазиналарини ҳимоя қилувчи инсон ҳақида хабар топди: **“Албатта, Мисрда очиқкўнгил ва**

**саховатли инсон бор бўлиб, у ер хазиналари устидадир. Одамлар унинг олдида бориб, ундан таом олардилар”.**

Яъқуб болаларини Мисрга жўнатди. Биргина Бинямин ўзи билан бирга қолди. Боиси, Яъқуб

уни худди Юсуфдек яхши кўрар ва қайғурарди.

Юсуфнинг акалари уни танимади. Улар Юсуфни кудукқа тушиб кетгач, ўша ерда ўлган, деб ўйларди.

**“Юсуфнинг оға-инилари**

**келдилар ва унинг ҳузурига кирдилар. Бас, у уларни таниди. Улар эса уни танимадилар”.**

Юсуф акаларига ҳеч нарса демади. Уларни фош қилиб, шарманда ҳам қилмади.

Юсуф меҳмонларга: “Қаердансизлар?” деди. Улар: “Канъонданмиз”, деб жавоб берди. “Отангизни ким дейди?” деди. “Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим (уларга Аллоҳнинг салавоти ва саломлари бўлсин)”, дедилар. “Сизларнинг бошқа укаларингиз ҳам борми?” деди. “Ҳа, Бинямин исмли укамиз

бор”, дедилар. “Уни нега олиб келмадингизлар?” деди. “Отамиз уни жуда яхши кўради, ўзидан узоқлашишини хоҳламайди”, дедилар. “Нима учун узоқлашишини хоҳламайди, ҳали кичкинами?” деди. “Йўқ, унинг Юсуф исмли акаси бор

эди. У биз билан ўрмонга борганида бўри еб қўйди. Шундан кейин Биняминни ҳам ҳеч кимга ишонмайди”, дедилар.

Юсуф ичида кулиб қўйди. У укасини кўришга муштоқ эди. Шу боис меҳмонларга: “Менинг ҳузуримга

ота бир инингизни олиб келинг. Агар уни олиб келмасангиз, сизларга егулик йўқ”, деди.

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайғамбарлар қиссаси” китобидан  
**Анвар АҲМАД** таржимаси

### Миллий мерос

Дўппи – туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган миллий бош кийим. Халқимиз дўппини эъзозлаб кияди. Республикамизнинг турли ҳудудларида шакли ва безаги бир-бирини такрорламайдиган дўппилар тайёрланади.

Ушбу бош кийими баҳмал, сидирға шойи, сатин, ипак каби матолардан тикилади. Дастлабки дўппилар ўткир учли қилиб тикилган бўлиб, улар салла билан кийишга мўлжалланган. Ўтган асрлардан бошлаб дўппилар кўриниши ўзгарди: тепаси думалоқ ёки мураббаъ шаклида, кизакдаги жияги эса ингичкалашди.

Мамлакатимизда Чуст, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро,

## Дўппи

Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур. Чуст дўпписи тўқ яшил шойи ёки сатиндан каржли қилиб тайёрланади. Тошкентнинг духоба дўпписи сидирға баҳмалдан, Бухоро дўпписи эса, сидирға ёки гулли баҳмалдан ишланади.

Ироқи дўппи дастлаб Шаҳрисабзда кенг урф бўлган. Сўнг республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқала бошлаган. Бу дўппи рангли ипак ёки ингичка толалар пахта ипи билан ироқи чокда тикилади. Унинг номи айни шундан келиб чиққан.

Тошкентнинг ироқи дўпписида оқ заминга атиргуллар тўқ ва



оч қизил ипакда ёзувларга қўшиб тикилади. Шаҳрисабзнинг тепа ва кизаги яхлит тўқилган гилам дўпписи, Ургут ва Бойсуннинг думалоқ, пилтадўз шаклли дўпписи одми нақш, гуллари марказга томон йўналган, қавиқ чоклари эса қовурғали юзани ҳосил қилади. Бухоронинг зардўзи-гулдўзи ва зардўзи-заминдўзи дўппилари бадиий жиҳатдан ниҳоятда пишиқ ишланади.

Энг муҳими, мамлакатимизда

зардўзлик санъати, айниқса, дўппидўзлик асрлар давомида қадрланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келади. Бугун бу борадаги “Устоз-шогирд” анъаналари нафақат таълим муассасаларида, балки чекка-чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган дўппидўз кайвони оналар тимсолида ҳам давом этмоқда.

Тўй-маърака, ҳар қандай эътиборли йиғин ва маросимга борганда дўппи кийиш халқимизнинг маданиятидандир. Зеро, бош кийим ҳар бир миллатнинг ўзига хос зийнати ҳисобланади. Шу эътибордан, ҳанафий уламолари бош кийимсиз намоз ўқишни макруҳ санаганлар.

Убайдулла МАҚСИМОВ,  
Денов тумани

### Имло саводхонлиги

Тарихий бино-иншоотлар номларини қандай ёзиш ҳақида пунктуация қоидаларида аниқ тартиб кўрсатилмаган. Шу сабабли мавзуга яқинроқ бўлган қоидадан ечим топамиз.

Тарихий ёдгорлик номида шахс оти ишлатилган бўлса ва бу ёдгорлик ўша шахсга бевосита тегишли бўлса, унга қўйилган от одатда шартли ном ҳисобланмайди ва қўштирноқ ишлатилмайди: Худоёрхон ўрдаси, Оллоқулихон мадрасаси, Нуруллабой саройи, Ойбек уй-музеи.

Агар бино-иншоот номида жойни билдирувчи сўз ишлатилган ва у атаб қўйилган ном таркибида бўлмай, географик

тушунчани билдираётган бўлса, қўштирноқ қўйилмайди: Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Бухоро арки.

Агар тарихий ёдгорликка бирор шахс номи берилган бўлса-ю, у бу бино билан бевосита боғлиқ бўлмаса, ном қўштирноққа олинади. Яъни, бу шахс мадраса, масжид, кутубхона, сарой, ўрда каби иншоотларни қурдирмаган, қурилишига бевосита сабабчи ҳам бўлмаган, бу бино унга оид бўлмаса ва ном ана шу

шахс шарафига қўйилган бўлса, уни қўштирноқда бериш керак. Масалан, пойтахтдаги “Абу Ҳурайра” жоме масжиди. Буюк саҳобий бу масжидни қурдирмаган, қурилишига бевосита сабабчи бўлмаган. Масжид у кишининг шарафига номланган.

Кўкалдош мадрасаси номи эса қўштирноқсиз ёзилади. Нега? Чунки бу шартли ном эмас. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаларини Бухоро хонининг вазири Қулбобо Кўкалдош қурдирган.

Демак:

“Нуруллабой” саройи, “Ойбек” уй-музеи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Ғури Амир мақбараси ✗

Нуруллабой саройи, Ойбек уй-музеи, “Ҳазрати Имом” мажмуаси, “Ғури Амир” мақбараси ✓

“Ўғри ёзамиз – мутахассис блоги” каналидан олинди.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR  
Sodiq TOSHBOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Shayx Abdulaziz MANSUR  
Obidjon QODIROV  
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV  
Muhammadsharif JUMAN  
Xolmat ATABAYEV  
Komiljon BURHONOV  
Tolibjon NIZOMOV  
Hikmatulloh TOSHEMIROV  
Muzaffar KAMOLOV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Jamoatchilik kengashi  
Alisher ESHIMOV  
Islomiddin ZUHRIDDINOV  
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liq SHERNAYEV  
Musahhiha: Zebo OMONOVA  
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV  
Ekspertizaga berildi: 05.03.2024  
Xulosa (№03-07/1327) olindi: 12.03.2024  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.400  
24-3/6-buyurtma.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!